



**ADVANTAGES OF USING MODERN MOBILE APPLICATION MIB.UZ
IN THE WORK OF THE BUREAU OF ENFORCEMENT**

Zainabitdinova Gulnaza Vladimirovna
2nd Year Master's Degree in "IAT and T"

Annotation

The article describes the theoretical and practical developments on the methodology for the formation of enforcement proceedings by the Bureau of Enforcement Proceedings, the main tasks, the state of use of web elements, the and operation procedure. , making accurate calculations.

Keywords: control, mobile applications, alimony, debt, limitation of verification, enforcement monitoring, re-execution.

Аннотация

Мақолада мажбурий ижро бюросининг ижро жараёнини шакллантириш усуллари, асосий вазибалари, веб-элементлардан фойдаланиш ҳолати, мобил воситалари учун тайёрланган дастурий восита-иловалардан MIB.UZ иловаси, ўрнатиш тартиби ва ишлаши, аниқ ҳисоб-китобларни бажариши борасидаги назарий ва амалий ишланмалар баён қилинган.

Калит сўзлар: ижро, ижро жараёни, суд ҳужжатлари, назорат, мобил иловалар, алимент, қарздорлик, чекловни текшириш, ижро мониторинги, қайта ижро.

Аннотация

В статье описаны теоретические и практические наработки по методике формирования исполнительного производства Бюро исполнительного производства, основные задачи, состояние использования веб-элементов, приложение MIB.UZ из программного обеспечения, разработанного для мобильных устройств, порядок установки и эксплуатации. , выполнение точных расчетов.

Ключевые слова: исполнительное производство, исполнительный процесс, судебные документы, контроль, мобильные приложения, алименты,



задолженность, ограничение проверки, исполнительный мониторинг, повторное исполнение.

Introduction

Мамлакатимизнинг ижро ва ижро тизими фаолиятидаги улкан тажрибасидан кўришиб турибдики, идоралараро электрон ўзаро ҳамкорлик яъни ахборот алмашувининг ягона тизимини йўлга қўйилиши Ҳокимият ва бошқарув органлари фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш, шунингдек, ижро билан боғлиқ барча тузилмалар, жумладан, прокуратура ва суд ҳужжатларини ижро этишни самарали амалга оширишда бекиёс муҳим роль ўйнапти. Бу фаолият учун зарур шарт-шароитларни яратиш ижро жараёнининг самарадорлигини оширишда, энг муқобил ижро тизимини барпо этишга, ижро тизимининг очиклиги ва қулайлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, кўриб чиқилаётган соҳада ахборот ўзаро таъсири самарадорлигига сезиларли таъсир кўрсатадиган жиддий муаммолар мавжуд. Ижро жараёни тарафларини процессуал хабардор қилиш, идоралараро электрон ҳужжат айланиши, қарздорларнинг мол-мулкни қидириш ва сотишнинг ахборот-ҳуқуқий жиҳатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларида камчиликлар ва зиддиятлар мавжудлиги шулар жумласидандир. Қарздор ва унинг мол-мулки тўғрисидаги зарур маълумотларни ўз ичига олган бир қатор марказлаштирилган ахборот базалари яратилмаган. Тегишли ахборот ресурслари мустақил равишда ривожланишига барҳам берилмоқда, лекин ушбу ҳолат етарли бўлмайти. Электрон ҳукумат доирасида давлат ва нодавлат муассасалари ҳамда фуқаролар ўртасида электрон ҳамкорлик ягона тизимига бирлаштириш бирмунча қийинчиликлар туғдирапти. Худди шу ижроия органининг ҳудудий бўлинмалари томонидан турли хил дастурий таъминотдан фойдаланиш ҳолатини олдини олиш учун, ҳозирда аҳолининг кенг қатлами учун тадбиқ қилинаётган мобил дастурий воситаларни яратилиши паст даражада эканлиги маълумот алмашинувини бирлаштиришга тўсқинлик қилмоқда.

Юртимизда суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги **Мажбурий ижро бюроси (МИБ)** томонидан амалга оширилади.



Мажбурий ижро бюросида иш жараёнини шакллантириш усуллари куйидагиларни ўз ичига олади :

а) суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг сўзсиз ижросини таъминлаш усули.

Шу усул ёрдамида суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг мажбурий ижросини таъминланади, ваколатли органларнинг мол-мулкни, шу жумладан ҳуқуқбузарлик буюмлари ва қуроллари ҳамда ашёвий далилларни давлат даромадига ўтказиш ёки йўқ қилиб ташлашни назарда тутувчи қарорларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ижро қилинади.

б) ижро иши юритиш устидан назоратни амалга ошириш усули.

Айнан шу усул ижро иши юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, шу жумладан ижро иши юритиш тарафлари томонидан риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишга ёрдам беради.

Бундан ташқари суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишга оид қонун ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш, бартараф этиш, шунингдек бузилган ҳуқуқларни тиклаш чораларини кўради.

в) Мажбурий ижро тизими тезкорлиги ва самарадорлигини таъминлаш усули.

Бу усул ижро ҳужжатлари ҳамда ундирилган маблағларнинг ҳаққоний ҳисобини юритишга имкон беради, ижро иши юритувлари ягона электрон базасини юритишга етарлича маълумотлар етказиб беради, ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизими ишлашини ҳамда алимент мажбуриятларини ижро этиш ва назорат қилишнинг ягона ахборот тизими ишлашини таъминлайди.

г) онлайн хизматларни тақдим этиш усули.

Электрон онлайн-аукционлар оператори билан электрон ҳамкорлик қилади ҳамда ижро ҳаракатларини олиб бориш давомида хатланган мол-мулкни реализация қилиш таомилига электрон тижоратни жорий этиш бўйича, Бюро зиммасига юклатилган вазифаларни тезкорлик билан ва самарали бажариш мақсадида мажбурий ижро органлари ахборот тизимлари, ахборот ресурслари ва маълумотлар базасини такомиллаштириш чораларини кўради.

д) ҳужжатларини ижро этиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш усули.




Бу усул ёрдамида суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш масаласида хорижий давлатлар мажбурий ижро органлари ва бошқа ваколатли давлат органлари билан халқаро ҳамкорлик қилади.

е) ижро этиш тизимини такомиллаштириш, ижрочилари фаолиятининг самарадорлигини ошириш усули.

Бюро бу усулни амалиётга қўллаш давомида суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш соҳасида ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилади ва умумлаштиради ҳамда уни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади, ижро иши юритиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ва уларни тайёрлашда иштирок этади,

Юқоридаги вазифаларни бажариш мақсадида ахборот технологияларининг энг самарали услубларидан бири ҳисобланган Web-сайт ва унинг элементлари орқали ҳам ижро муассасасига ҳам фойдаланувчига онлайн хизматларни тақдим этиш каби IT элементлари кенг тадбиқ қилинмоқда.




1-расм. Мажбурий ижро бюроси Web-сайти асосий интерфейси.

Ушбу сайт орқали навбатдаги хизматлар кўрсатилмоқда:

- ижро ҳужжатлари бўйича қарздорлар маълумотлар базасидан қарздорликни текшириш;
- ижро иши юритувини кузатиб бориш имконияти – ижро мониторинги;

- Ўзбекистон Республикасидан чиқиши вақтинча чекланган қарздорлар рўйхатидан Республикадан чиқишга чеклов мавжудлигини текшириш;
- онлайн алимент калькулятори ёрдамида тўланиши лозим бўлган алимент миқдорини ҳисоблаш;
- бизнес ҳамкорингизга тегишли ижро ҳужжатларини текшириш;
- “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонуннинг 40–моддаси 3–банди билан қайтарилган ижро ҳужжатларини қайта ижрога топшириш имконияти. (2-расм.)




2-расм. Мажбурий ижро бюроси онлайн интерактив хизматлари.

Келтириб ўтилган маълумотлардан кўриниб турибдики, бугун ижро тизими кундан-кун такомиллашмоқда. Масалан, Бундан 1 йил аввал Ўзбекистонда алимент тўлашнинг янги тартиби жорий этилган эди. Яъни, Ўзбекистонда 2021-йил 1-мартдан 25-февралдан бошлаб алимент тўлаш учун махсус пластик карточкалар жорий этилганлиги ҳаммамизга маълум. Ушбу махсус банк картаси даъвогар, яъни алиментни олувчининг номига ижро органи томонидан берилади.

Шунингдек, Ўзбекистонда 2021-йил 1-мартдан бошлаб таъминот бўйича мажбуриятлар бўйича алоҳида банк ҳисобварағига эга бўлган таъминот бўйича мажбуриятларни бажариш ва назорат қилишнинг ягона ахборот тизими интеграция қилинди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 11-ноябрда “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорида алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Лекин, ушбу ҳолат барча мазкур тизимдан фойдаланувчилар учун ҳар доим ҳам оптимал ечим бўлмай қолди. Ушбу муаммони бартараф этиш мақсадида, мобил илова тарзида ушбу хизматлардан фойдаланиш йўлга қўйилди.

Ушбу илова MIB.UZ деб номланиб ҳозирда мобил иловалар (*.apk) умумий макони ҳисобланган Play Market тизимига юкланди. Ушбу иловани ўрнатиш тартибини биз қуйида илова қиламиз.




3-расм. MIB.UZ мобил иловаси Play Market даги маълумотномаси
Бунда а)- илова умумий маълумоти, б) – илованинг техник дастурий маълумоти, в)-илованинг ўрнатиш талалари келтирилган.

Илова асосан иловани юклаб олиш ва рўйхатдан ўтиш жараёнлари бажарилгандан кейин фаол ҳолатга ўтказилади. Ушбу ҳолатга ўтиш учун қуйидаги операциялар амалга оширилиши керак.

MIB.UZ иловасини қўчириб ўрнатган кейинги тизимга киришни тасдиқловчи қадамлар (4-расм) 1)- тизимга кирувчи фаол абонент рақами, 2)-ушбу абонентга юборилган тасдиқлаш коди орқали кириш, 3)-шахсий маълумотларини киритиш бандларидан иборат.

Энди биз ўрганаётган алимент калькуляторининг мобил воситалар учун мўлжалланган дастурий воситасининг ишлаш тартибини келтирамиз.




1)

2)

3)


4-расм. MIB.UZ иловасини кўчириб ўрнатган кейинги тизимга киришни тасдиқловчи қадамлар.



5-расм. Алимент калькуляторининг ота-она ишламаган ҳолатдаги ҳисоб.

Вояга етмаган болаларни тарбиялаш тўғрисида ота-оналар ўртасида келишув бўлмаган тақдирда, ота-она “ишламаган” тақдирда прокуратура ва суд томонидан бир болага 777964,32 сўм, 2 та болага 1037285,76 сўмни, 3 ва ундан ортиқ болага 1555928,64 сўмни автомати ҳисоблаб чиқариб беради. (5-расм)

Агар отанинг / онанинг ойлик иш ҳақининг ва (ёки) бошқа даромадлари мавжуд бўлса унда бу ҳолат қуйидагича кўриниш касб этади.



6-расм. Алимент калькуляторининг ота-она ойлик иш ҳақининг ва (ёки) бошқа даромадлари мавжуд бўлгандаги ҳолат.

Бунда 1 бола учун отанинг / онанинг ойлик иш ҳақининг ва (ёки) бошқа даромадлари нинг 1/4 қисми миқдорида ундириладиган маблағлар, ташкил этади. Масалан, агар ойлик иш ҳақини тахминий 1500000 сўм деб олинса унда 1 бола учун 375000 сўм миқдорни ҳисоблаб беради. 2 та бола учун эса 1/3 қисми, яъни, 500000 сўм миқдор ҳисоблаб чиқилади, агар 3 ёки ундан ортиқ болалар учун алимент тўланса, мавжуд иш ҳақининг 1/2 қисми миқдоридаги маблағ ҳисоблаб берилади.

Хулоса

Хулоса тарзида шуни айтиш мумкинки, ҳозирда мажбурий ижро бюросида иш жараёни бир неча усулларда шакллантирилган экан :

а) суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг сўзсиз ижросини таъминлаш усули; б) ижро иши юритиш устидан назоратни амалга ошириш



усули; в) мажбурий ижро тизими тезкорлиги ва самарадорлигини таъминлаш усули; г) онлайн хизматларни тақдим этиш усули; д) ҳужжатларини ижро этиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш усули; е) ижро этиш тизимини такомиллаштириш, ижрочилари фаолиятининг самарадорлигини ошириш усуллари қўлланилади.

Ушбу мақсадда www.mib.uz сайти маълумотлари ижро жараёнининг деярли барча қисмларини жамлаб олади. Лекин ушбу ҳолат етарли ва барча учун қулай бўлмаганлиги сабабли Mib.uz илова дастури ишга туширилиб, ҳозирда кенг қўлланилмоқда. Ушбу дастурдаги мисол тариқасида олинган алимент калькулятори ишлаши батафсил маълумот олишга мўлжаллангандир. Айнан шу жиҳат алимент бўйича бериладиган кўплаб саволларга аниқ жавоб беради ва пунктуал аниқликда миқдорларни ҳисоблаб бериши билан алоҳида ажралиб туради.

Фойдаланилган Адабиётлар Рўйхати

1. “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 майдаги ПҚ-3016-сон қарори
2. “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020-йил 11-ноябрдаги Қарори.
3. Ижро процесслари соҳасида ягона ахборот маконини шакллантириш бўйича хорижий тажриба/В.В.Дмитриев//Давлат ва хусусий халқаро ҳуқуқ.-2012.
4. Ижро процесси соҳасида ягона ахборот маконини шакллантириш хусусиятлари / ВВ Дмитриев // Орел давлат университетининг хабарномаси. Серия: Янги гуманитар тадқиқотлар.- 2012.- 2-сон.
5. Поспелова Е.В., Коновалов В.В. Базовые содержательные элементы стандарта обеспечения качества взаимодействия участников партнерских программ и потребителей: Интернет-журнал,2011. №3.-0,8 п.л.
6. Поспелова Е.В. Перспективы развития интернет-торговли в России.- М.: Стандартиформ, 2010. - 1,3 п.л.